

ТАРЖИМАЛАРДА НУТҚИЙ ЭТИКЕТЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

Ходжаева Дилноза Камиловна

Тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, ТИМС институти

Аннотация Ушбу мақолада нутқ маданиятида тилдан фойдаланиш қоидаларини амалий қўллай олиш, талаффуз ва урғу талабларига риоя қилган ҳолда, сўз бирикмаси, жумла ёки гаплар тузишнинг меъёрий имкониятлари ҳамда чегараларини билишни талаб этилиши ҳақида фикрлар баён этилган. Нутқ маданиятида асосий эътибор нутқнинг аниқлиги, софлиги, мантиқийлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигига қаратилган бўлади.

Калит сўзлар: *Нутқий этикет, суҳбатдошлар, миллат тилини, ахлоқий маданиятда, нотиклик, нутқ маданияти.*

Кириш қисми:

Нутқий этикет деганда, суҳбатдошлар томонидан ўзаро алоқа ўрнатиш ва уни мақсадли йўналишда олиб бориш, сақлаш учун жамият томонидан қабул қилинган ва қўлланиш зарурати талаб даражасига кўтарилган турғун мулоқот қолипларининг миллий характердаги махсус кичик тизимлари тушунилади. Алоқа, идрок ва тафаккур курали сифатида тил, шунингдек, биз дунёни қандай кўришимизни тавсифлайди, Ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги алоқани акс эттиради... Ҳар бир инсонда туғилганидан оқ тилнинг муайян таъсирларни юзага келтиришига, яъни ҳатто кейинчалик инсон бошқа кўплаб тилларга соҳиб бўлганда ҳам мутлақо йўқолмайдиган, нарсаларни ўзига хос тарзда кўришни ато қилишига кўра она тиллари уникалдир. Хорижий тилни ўрганиш бу дунёни бошқача кўриш билан, бошқача ёндашувлар билан танишиш усулидир.

Рус тилшунос олими Н.И.Формановская нутқий этикетга қуйидагича таъриф беради. "Нутқий этикет тушунчаси нутқий хулқни тартибга солувчи қоидалар, суҳбатдошлар ўртасида алоқа ўрнатиш, кўзланган мақсадда алоқани сақлаб туриш ва уни тўхтатиш учун жамият томонидан қабул қилинган тизимидир.

Сўзлашув ҳаётнинг маълум андозалари билан боғлиқ тарзда бир бутун қолипдаги жумлаларни келтириб чиқаради. Улар ҳаётини вазиятларга ва суҳбат мавзуларига алоқадор бўлади. Маълумки, бундай жумлаларнинг барча типлари бошқасига нисбатан муайян фарқланишда бўлади, акс ҳолда, уларнинг типлари фарқланмайди.

Этикет - ахлоқий маданиятда яққол кўзга ташланадиган муносабат кўринишларидан бири. У кўпроқ инсоннинг ташқи маданияти, ўзгалар билан бўлган муносабатларда ўзини тутиш қонун-қоидаларининг бажарилишини бошқаради. Агар муомала жараёнида инсон ўз ҳаракатларига ижодий ёндашса, яъни бир ҳолатда бир неча хил муомала қилиш имконига эга бўлса, этикет муайян ҳолат учун қоидалаштириб қўйилган хатти-ҳаракатни тақозо этади. Этикет кенг қамровли тушунча бўлиб, у, маълум маънода, умумбашарий миқёсда қабул қилинган муомала қонун-қоидаларини ўз ичига олади?

Ўзбек маърифатпарварларидан бири Абдулла Авлоний "Миллат тилини йўқотмақ миллатнинг руҳини йўқотмақдир", деб таъкидлаганда, тил ва миллат руҳининг муштараклиги ҳақидаги қарашлари В.Гумбольдт ғояларига бевосита ҳамоҳангликда туташиб кетади.

Маданиятлараро нутқий компетенция атамасини ишлатганимизда маданиятлар, яъни икки ва ундан ортиқ халқлар маданияти ўртасидаги нутқий этикетлар тушунилади. Бу ўринда турли маданиятга эга бўлган жамият аъзоларининг ўзаро фарқли нутқий одатлари уйғунлашуви дейиш мумкин. Турли ижтимоий муҳит вакиллари ўзаро учрашганда нима юз беришини олдиндан аниқ айтиб бўлмайди, аксинча, уларнинг нутқий фаолиятида ҳар иккала маданият шаклидан фарқланувчи оралиқ нутқий этикет пайдо бўлади. Бунда прагматика учун ниҳоятда қизиқ фактларни учратиш мумкин.

Нутқий этикетни ифодаловчи бирликлар кейинчалик фан доирасида ўрганила бошланди. Дастлабки даврларда нотиклик, нутқ маданияти ва нутқ этикаси масалалари таркибида ўрганилган мазкур бирликларнинг ўзбек тилшунослиги фани доирасида тадқиқ этилишида рус тилшунослиги вакиллариининг ўрни катта бўлди. Бажарилган ишлар характерида кўра, нутқ

маданияти, мулоқотга киришиши сирлари, усуллари, бундан ташқари, услуб, ахлоқ каби масалаларга кўпроқ алоқадор бўлса-да, уларда нутқий этикет бирликлари маълумжихати билан ўрганилганлиги, муҳими, тадқиқот объекти кўриш мумкин. Жумладан, сифатида ажратилганлигини рус тилшунослигида ҳамда ўзбек тилшунослигида қатор тадқиқот ишлари олиб борилган.

Кўринадикки, инсон мулоқот нутқига оид тадқиқотлар у ёки бу йўналишда турли номлар остида амалга оширилган бўлса-да, тилшунослар бу масалаларга ҳамма даврларда ҳам катта қизиқиш билан қараб келганлар.

Адабиётлар таҳлили:

Ўзбек тилида нутқ маданияти, нуқий одатлар масалаларининг назарий тадқиқ этилиши ҳамда тилшуносликда алоҳида тармок сифатида шаклланишида таниқли олимлар С.Иброҳимов, Р.Кунгуров, Х.Дониёровлар тамал тошини қўйган бўлсалар, кейинчалик бошқа олимлар катта меҳнат қилиб, бу йўналишда муайян соҳаларни шакллантиришга эришдилар. Жумладан, Э.Бегматов, А.Рустамов, Н.Маҳмудов каби йирик олимлар, асосан, лексик бирликлар, сўз кесимида иш олиб борган бўлсалар, Б. Ўринбоев синтаксис соҳасида, Э.Бегматов, Ё.Тожиев, С.Мўминов, С.Каримов, Ш.Искандарова, З.Акбарова каби олимларнинг тадқиқотларида эса мулоқот жараёнининг нутқий одат шакллари жиҳатдан таҳлили масаласига ойдинлик киритилди. А.Маматов эса нутқ маданияти ва тил меъёрларига оид атама ва тушунчаларга изоҳ берилган луғат яратди.

Профессор С.Мўминов ўз илмий изланишларида ўзбек мулоқот хулқини илк бор ижтимоий лисоний аспектда ўзбек коммуникантлари фаолиятининг композицион босқичлари, коммуникантлар ўртасидаги муносабатнинг миллий ўзига хос хусусиятлари, мулоқот хулқининг жинс, ёш, социал ва ҳудуд жиҳатидан хосланишини атрафлича тадқиқ этди. З.Акбарова мурожаатнинг инсон нутқий фаолиятидаги ўрни, мавқеи, босқичлари, мурожаат ифодалашнинг ўзига хос турли шакллари, мурожаат майдони структураси, мурожаат ифодаловчи экстралингвистик воситалар, мурожаатнинг инсон нутқ фаолиятининг ажралмас қисми сифатидаги универсал ҳодиса эканлигини тадқиқ этади. Мазкур тадқиқот ишида мурожаат шакллариининг нутқий жараёнларда қўлланилишини хосланган

ва хосланмаган лексика, хосланган ва хосланмаган гап шакллари ўзбек тили материаллари асосида тадқиқ этилар экан, хосланаётган лексикани алоҳида ажратилгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари мурожаат ифодалашнинг экстралингвистик воситалари ҳақида маълумотлар берилган.

Олима уларни шартли равишда таснифлар экан, уларни уч гуруҳга бўлади:

- а) ишора- ҳаракатга асосланган жестикуляцион воситалар;
- б) товушга асосланган фонацион воситалар;
- в) ранг воситаси.

Нутқ маданиятига бағишланган мазкур ишлар аксарияти бир тил доирасида ўрганилган. Кўринадикки, нутқ маданияти доирасида ўзбек тилшунослигида олиб борилган ишлар бир тил қонуниятларинигина ўрганиш билан чекланган, шу аснода қиёсий планда олиб бориладиган ишларга эҳтиёж мавжуддир, деб айтишга тўла асосимиз бор. Ҳолбуки, "вазифаси тил ва маданият, тил ва этнос, тил ва менталитет ўртасидаги ўзаро муносабатни тавсифлаш ва ўрганишдан иборат бўлган бу.

Маданият сўзи лотинча *colore* - сўздан олинган бўлиб, яшамок, гамхўрлик қилмоқ, безанмоқ, таълим олмоқ, сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ, маънавий бой бўлмоқ, бунёд қилмоқ, кадрламоқ, итоат этмоқ ва байрам қилмоқ каби маъноларни англатади. Лекин юқоридаги талқинлар маданият тушунчасини тўлақонли очиб бермайди. Маданиятни ҳаётнинг барча жабҳаларидаги энг олий кўриниш сифатида қабул қилиш мумкин. 1970 йиллардан бошлаб, дунёнинг қатор мамлакатларида ва, хусусан, Англияда маданиятни англаш натижаси ўларок кишилар дунёқарашида кескин ўзгаришлар кузатила бошлади. Нутқий этикетнинг ўзига хослик хусусияти ва маданиятлараро фарқланишлар мулоқотнинг туб моҳиятидан бошлаб ўрганиш эҳтиёжини юзага келтиради. Маданиятлараро мулоқот фақат лисоний тарзда кечмайди, балки ташқи кўриниш, юз ифодаси, имо-ишора ва жестлар орқали хабарларни қабул қилишнинг ўзида мулоқот жараёни бошланади¹.

¹ Хусанов Б. Гузомов В. Муомала маданияти. Тошкент, 2007. – Б.85.

Yes, right. A animated (illustration) book is a good idea

(Ха, тўғри. Расмли китоб – бу яхши фикр)

Баъзан тасдиқ маъносини нолисоний воситалар орқали ҳам ифода этилади. Масалан: "Эшитдингми" дедим. Ерга қаради. Уни ортиқча уялтирмаслик учун эшикка қараб юра бошладим-да, "майлими?" деб сўрадим. Жавоб ўрнига "Ошмай кетасизми?" деди. Бу унинг иккинчи турли қилиб айтилган "майли" жавоби эди" (А.Қодирий, Мехробдан чаён).

Бу ҳолда мақсад, маънони ифодалаш лисоний ва нолисоний воситалар ёрдамида фақат нутқий этикет учунгина хос бўлган маънодошлик қаторини вужудга келтиради: сўз, сўз бирикмаси, гаплар билан имо-ишоралар синонимлиги ҳосил бўлади.

Ш.М.Искандарова "Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари" мавзусидаги номзодлик диссертациясида турли тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қилувчи "вазифа" сўзининг маънолари нутқий этикетга тегишлилигини, нутқий этикетнинг энг асосий вазифаларидан бири алоқа ўрнатиш бўлиб, унда хусусий ва оммавий тарзда алоқа ўрнатиш ва мулоқотни саклаш тушунилишини, бу вазифа сўзлашувчиларнинг ёши, жинси, таниш-нотанишлиги, мулоқот шароити асосида ўзига хос ўрин тутишини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Нутқий этикетнинг иккинчи вазифаси тингловчига қаратилган илтифот, яъни коннотив функциясидир. Илтифот вазифаси саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, қутлаш вазиятларида кўзга ташланиши билан бирга уни кучайтирувчи махсус лисоний birlikлар ҳам мавжуд: "лаббай -my tears, I'm all in ears", "марҳамат- with pleasure", "саломат бўлинг -Be health" "узр -Sorry" сингари.

- Лаббай, ойижон!" (Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси).

What did you say? Do you want to take Dr. Torres home with you? (Нима дедингиз? Доктор Торресни бирга уйга олиб бормоқчимисиз?)

Ҳаяжон вазифаси (эмотив) эса ҳамма birlikларга тегишли бўлмай, сўзлашувчиларнинг меъёрий тарзда алоқа ўрнатишлари ва уни мақсадли олиб бориш табиатлари билан боғланади. Бунда, кўпинча, мулоқотга

киришувчиларнинг ёш, жинс ва асосийси характер хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади.

"Ажабмас, оғзинглар оқариб қолса. У ёнимга чўккалади. - Олинг, айланай, зоғорадан олинг. Эрталаб ёпувдим. Кимсанбойдан хабар борми?" (Ў.Ҳошимов, Икки эшик ораси)

Бу ўриндаги тилак, умид, тасалли, далда, таклиф, хол сўраш сўзловчи томонидан меъёрий ҳолатни сақлаш ва этикет орқали ўзини намоён этиш учун ишлатилган. Бу ердаги масалалар тингловчи учунгина муҳим, сўзловчи эса ўзбекона лутф - кўнгил сўраш билан мулоқотни керакли тарзда давом эттиришга ҳаракат қилмоқда, унга берилаётган муаммолар у қадар аҳамиятли бўлмаса ҳам, алоқа-аралашувнинг белгиланганидек сақланиши зарур. Демак, кўринадикки нутқий жараёнга қўйиладиган талаблар ва тил бирликларининг вазифалари (бошқарув, ҳитоб, таъсир этиш, ҳаяжон) нутқий этикет ифодаланиши билан ўзаро қоришиб, сингиб кетади. Нутқий этикет бундай ўринларда уларнинг меъёрда қўлланилганлиги ва ўринлилиги билан баҳоланади. Бунда тилнинг сегмент бирликлари (сўз, сўз бирикмаси, гап) билан бир қаторда, суперсегмент бирликлар (овоз тони, баландлиги, оҳанг, товуш сифати) ҳам ўта муҳим саналади.

Хулоса қисми:

Хар бир миллатнинг муайян урф-одатлари, эътиқодлари асосида шаклланган ўзига хос нутқий одатлари мавжуд бўлиб, бу белгилар ана шу халқларнинг тилларида яққол намоён бўлиб туради. Маданиятлараро мулоқот фақат лисоний тарзда юзага чиқмасдан, балки маълум халқларнинг ташқи кўриниши, уларнинг юз ифодаси, имо- ишора ҳамда жестлари орқали ҳам акс этиши мумкинлигини алоҳида кўрсатиш зарур. Инглиз тилшунослигида нутқий одатлар европа маданияти таъсирида, ўзбек нутқий одатлари шарқ маданияти таъсирида шаклланган бўлиб, уларни киёсий асосда ўрганиш икки миллат вакиллари учун ҳам аҳамиятли. Ўзбек ва инглиз нутқий этикетларининг мулоқот шакллари маълум нутқий вазиятларнинг ўзаро ўхшаш ва фаркли жиҳатларини аниқлаш орқали ёритилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Махмудов Н. Тил сиёсати ва сиёсат тили // Тил тилсими тадқиқи Тошкент: Мумтоз суз, 2017.-Б.5
2. Формановская Н.И. Русский речевой этикет: лингвистический и методологический аспекты. - М.: Русский язык, 1982. - С.7.
3. Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. - М.: Высшая школа, 1974. – С. 287.
4. Xayrulla Xudoyorovich Hamidov, & Arzu Karausta. (2023). TERMS RELATING TO JOURNALISM IN TURKISH LANGUAGE AND THEIR TRANSLATION. INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS, 3(08.05), 71–75.
5. Степанов А. О культуре речи. - М.: Искусство, 1961;
6. Голубовский Д.А. Невербальная коммуникация в древнерусских письменных источниках: опыт семантического анализа: Автореф. дис. канд филол.наук.- М., 2009.
7. Ночевник М.Н. Культура и этика общения. - Ташкент: Узбекистан, 1985.
8. Шодмонов Э. Муомала муносабатларида қўлланилган сўз-гапларга доир. // Тилшунослик масалалари. Тошкент, 1970;
9. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972;
10. Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. Тошкент, 1974;
11. Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // Нутқ маданиятига оид масалалар. Тошкент: Фан, 1978;
12. Расулов.Т. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши: Филол. фан номз дисс. автореф.- Тошкент, 2008. – Б..24.
13. Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи Филол. фан номз автореф. - Тошкент, 2007. – Б.11. дисс
14. Маматов А.Э. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи. Тошкент: Баёз, 2014. – Б.36.
15. Махмудов Н. Тия сиёсати ва сиёсат тили // Тил тилсими тадқиқи. Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б.176.
16. Махмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ // Тил тилсими тадқиқи Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. - Б. 168
17. TESHABOYEVA, Ziyodakhon. "A Comparative Analysis Of Phraseological Units In “Baburname” And Their Different English Translations." *Philology Matters* 2019.1 (2019): 102-108.
18. Hamidov, Xayrulla TURKCHA MAROSIM NOMLARI VA ULARNING TARJIMASIGA DOIR // ORIENSS. 2022. №Special Issue 28. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/turkcha-marosim-nomlari-va-ularning-tarjimasiga-doir>.